

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА СУД НАЗОРАТИ ТУШУНЧАСИ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Сардор Одилов

Наманган вилояти судининг

малака ҳайъати котиби

Анотация: Ушбу мақолада суд назорати тўғрисида олимларнинг фикрлари ва қарашлари таҳлил қилинади, шунингдек адолатли ҳукмнинг қарор топиши учун жиноят иши устидан суд органларининг ролини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилди.

Калит сўзлар: “Хабеас корпус”, суд назорати, шахс ҳуқуқ ва эркинликлари, жиноят-судлов юритуви, хориж тажрибаси, тергов судьяси.

КИРИШ

Бугунги кунга келиб республикаимиз жиноят-судлов қонунчилигида суд томонидан рухсат бериладиган процессуал мажбурлов ва тергов ҳаракатларининг сони кўпайиб бормоқда. Ушбу процессуал мажбурлов ва тергов ҳаракатларига қуйидагилар киради: қамоққа олиш, лавозимидан четлаштириш, тиббий муассасага жойлаштириш, амнистия актини қўллаш, уй қamoғи, қамоқда сақлаш ёки уй қamoғи муддатини узайтириш, айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш, паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш, мурдани эксгумация қилиш. Шу билан бирга, суд назорати институти доимий равишда ривожланиб бормоқда ва ҳозирда унинг қамровини кенгайтириш назарда тутилмоқда. Жумладан, “Тезкор – қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора – тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-89 – сонли Фармони чиқарилди. Унга кўра 2025 йил 1 январдан жиноят ишлари бўйича туман-шаҳар судларида “тергов судьяси” институти жорий қилинди.

Бу Фармони суд – тергов фаолиятида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш бўйича самарали механизмлар тўлиқ ишга солинмаганлиги, шунингдек жиноят содир этганликда айбланаётган шахснинг эркинлик ва шахсий дахлсизликка оид конституциявий ҳуқуқларини суд орқали ишончли таъминлаш чораларини кучайтириш зарурати каби сабабларимиз бўлгани учун ҳам қабул қилинди. Бу, сўзсиз судга қадар тергов жараёнларида инсон ҳуқуқларини таъминлашда катта имкониятлар яратади.

МАТЕРИАЛЛАР ВА УСУЛЛАР

Суд назорати тушунчаси жиноят протсессиди ишни судга қадар юритишда тергов судьяси томонидан суриштирув ва тергов органлари устидан бевосита назоратни амалга оширишини англатади. Суд назоратини амалга оширилиши жиноят протсессиди ишни судга қадар юритишни обектив ва ҳолисона амалга оширилишини таъминлайди. Жиноят протсессиди тергов судьяси институтининг жорий этилиши орқали айблов ва ҳимоя тарафларнинг тенглиги ва тортишуви принципи таъминланади. Ҳозирги кунда тергов судьяси институти Грузия (2015-йил), Қозоғистон (2015), Қирғизистон (2019-йил), Латвия (2005-йил), Литва (2002-йил), Молдова (2003-йил), Эстония (2003-йил) давлатларида мавжуд. Албатта бу борада ушбу давлатларнинг тажрибасини тадқиқ этиш Ўзбекистон Республикаси жиноят протсессиди жорий этилиши белгиланган тергов судьясининг протсессуал ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ масалаларни белгилашда долзарб аҳамиятга эга ҳисобланади.

Миллий қонунчилигимизда “Хабеас Корпус” институтининг таъсир доирасини янада кенгайтириш ва тергов устидан суд назоратини кучайтириш борасида долзарб ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу жиҳатдан жиноят процесси иштирокчиларининг процессуал ҳуқуқларини таъминлаш масалалари алоҳида долзарбдир. Хусусан, янги Конституциянинг 27-моддасида ҳибсга олишга, қамоққа олишга ва қамоқда сақлашга фақат суднинг қарорига кўра йўл қўйилиши белгилаб қўйилди.

Ушбу қоидалар суд назоратининг алоҳида тури бўлган “Хабеас корпус” институтига тегишли бўлиб, “Хабеас корпус” – махсус қонунчилик ҳужжати

хисобланади ҳамда 1679 йил 26 майда Англия парламенти томонидан қабул қилинган. Ушбу ҳужжатга кўра, қўриқчилар, қамоқхоналар ёки шахсни ушлаш ёки ҳибсга олишда иштирок этган бошқа шахслар ушлашга рухсат бериш тўғрисида қарор қабул қилиш учун ушланган шахсни лордга ёки судьяга олиб келишлари керак эди. Айбланувчи ёки гумон қилинувчини ушлаб туриш тартиби устидан суд назоратини ўрнатиш жиноят процессида шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда катта аҳамиятга эга.

НАТИЖАЛАР

“Хабеас корпус” институти Ўзбекистонда 2008 йилдан бошлаб, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилганда жорий этилган. Кейинги йилларда тергов устидан суд назоратининг ушбу шакли процессуал мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ бўлган бир қанча ваколатларнинг судларга ўтказилиши натижасида кенгайтирилди.

Янги Конституциянинг 31-моддаси 4-5 қисмларида, ҳар ким уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқига эгалиги, ҳеч ким уй-жойга унда яшовчи шахсларнинг хоҳишига қарши кириши мумкин эмаслиги, уй-жойга киришга, шунингдек унда олиб қўйишни ва кўздан кечиришни ўтказишга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилиши ва уй-жойда тинтув ўтказишга фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилиши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг январ ойидаги ПФ–11-сонли Фармонинг 2023–2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли стратегиясини амалга ошириш бўйича ҳаракатлар дастурида инсон қадрини улуғлашга қаратилган нормаларни такомиллаштириш мақсадида “Хабеас корпус” институтини амалиётга янада кенгроқ жорий этиш йўлида яна бир муҳим қадам: тинтув ўтказиш, телефон сўзлашувини эшитиш ва мулкни хатлашга санкция бериш ваколатини прокурорлардан судларга ўтказиш масаласи илгари сурилди.

Халқаро тажрибага мурожаат қиладиган бўлсак, суд назорати институти Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 9-моддасида мустаҳкамланган бўлиб, ушбу моддага мувофиқ жиноий айблов бўйича ҳибсга

олинган ёки ушлаб турилган ҳар бир шахс зудлик билан судья ёки қонун бўйича суд ҳокимиятини амалга ошириш ҳуқуқи бўлган бошқа мансабдор шахс ҳузурига келтирилади ва оқилона муддатда суд муҳокамаси ўтказилиши ёки озод қилиб юборилиши ҳуқуқига эга. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 9-моддасида ҳеч ким асоссиз қамалиши, ушланиши ёки қувғин қилиниши мумкин эмаслиги қайд этилган.

Суд назорати институти АҚШ, Германия, Италия, Испания, Австрия, Буюк Британия, Португалия ва бошқа мамлакатлар Конституцияси нормаларида акс этган. Жумладан, Германия Федератив Республикасининг Жиноят-процессуал қонунчилигида тинтув ўтказиш тўғрисидаги қарор фақат судья томонидан чиқарилиши белгиланган бўлиб, фақатгина кечикиш хавфи мавжуд бўлган тақдирдагина буни прокуратура чиқаришга ҳақли.

Россия Федерацияси ЖПКсида ҳам уй-жойда тинтув ўтказиш ва айрим ҳолатларда шахсий тинтув ўтказиш ҳам суднинг қарори билан амалга оширилади. Агар турар жойни кўздан кечириш, турар жойда тинтув ўтказиш ва олиб қўйиш, шунингдек шахсий тинтув терговчининг қарори асосида суд қарорини олмасдан амалга оширилса, терговчи Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексининг 165-моддасига биноан судья ва прокурорни ушбу тергов ҳаракатини амалга оширган вақтидан бошлаб уч суткадан кечиктирмай хабардор қилиши лозим. Ушбу хабарнома дастлабки тергов олиб борилаётган ҳудуддаги туман судининг судяси томонидан якка тартибда ёки тегишли даражадаги ҳарбий суд томонидан кўриб чиқилади.

Хабарномага тергов ҳаракати тўғрисидаги қарорнинг нусхалари ва тергов ҳаракати баённомаси илова қилинади. Ушбу хабарномани қонунда назарда тутилган муддатда олган судья амалга оширилган тергов ҳаракатининг қонунийлигини текширади ва унинг қонунийлиги ёки ноқонунийлиги тўғрисида қарор қабул қилади. Агар судья амалга оширилган тергов ҳаракатини ноқонуний деб топса, бундай тергов ҳаракати давомида олинган барча далиллар ЖПКнинг тегишли моддасига мувофиқ йўл қўйилмайдиган далиллар деб топилади.

МУНОЗАРА

Жиноят-процесси доктринасида тинтув пайтида суд назорати зарурлиги ҳақидаги мунозаралар турли баҳсларга сабаб бўлган. Баъзи процессуалист олимлар суд назорати функцияси суднинг ҳуқуқий давлатдаги ваколатларига мос бўлмай айблов ва ишни ҳал қилиш функцияларининг бирлашишига олиб келади, деб айтадилар. Россиялик олим М.К. Свиридовнинг фикрича, суд битта функцияга эга бўлиши керак – жиноят ишини моҳиятан ҳал қилиш ва конституциявий-ҳуқуқий назоратни ҳисобга олган ҳолда, бу ишни конституциявий судловга боғлаш ёки федерал судлар таркибида конституциявий ишлар бўйича махсус конституциявий раёсатларни тузиш кераклигини таклиф қилади.

Суд назоратини дастлабки тергов босқичига жорий қилиш жиноят процессининг бошқа босқичлари ўртасида узвий боғлиқликни вужудга келтиради, натижада назоратнинг сифати ошади, мақсадлар тизими самарали бўлади.

З.Ф. Иноғомжонованинг таъкидлашича, суд назорати – жиноят процессининг деярли барча босқичларида амалда бўладиган, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган, қарорлар, ҳаракат ва ҳаракатсизлик ҳамда дастлабки тергов ва суд қарорларининг (кучга кирган кирмаганлигидан қатъи назар) қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини кафолатлашга хизмат қиладиган фаолият сифатида эътироф этилгандагина унинг ҳуқуқий табиати ойдинлашади.

И.Е. Слепневанинг фикрига кўра, суд назорати жиноят процессининг судгача бўлган босқичида дастлабки тергов органлари томонидан қабул қилинган қарорлар фуқароларнинг конституциявий ҳақ-ҳуқуқларини бузганда юзага келади.

Н.А. Колоколов, “суд назорати функцияси фақат дастлабки терговга тааллуқли, яъни фақат шу босқичга хос”, дейди. Ўзбекистон Республикаси процессуалист олими З.Ф. Иноғомжорова юқоридаги фикрларни рад этиб, суд назорати дастлабки терговдан ташқари жиноят ишини судда кўриш учун

тайинлаш ҳамда ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлигини, асослилиги ва адолатлилигини текшириш босқичида ҳам амалда бўлади дея таъкидлайди.

О.В. Химичеванинг фикрича, суд назорати жиноят ишини қўзғатишда ва дастлабки терговда суд ҳокимиятининг фаолият йўналиши ҳисобланади. Шунинг учун ҳам уни жиноят процессининг функцияси деб айтиш мумкин. Унда суд текшириш, огоҳлантириш ва ҳуқуқни тиклаш тизимини ўз ичига олиб, дастлабки тергов органларининг шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашга оид қарор ва ҳаракатларининг қонуний ва асослантирилган бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

В.Н. Галузонинг таъкидлашича, суд назорати – суднинг мустақил жиноят-процессуал функцияси бўлиб, ушбу функция ушлаб туриш, қамокқа олиш ва қамокда сақлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарорларнинг қонунийлиги ва асослилигини текшириш ва гумон қилинувчи ва айбланувчига нисбатан нотўғри қўлланилган мажбурлов чоралари учун тегишли мансабдор шахсларга нисбатан чора кўриш фаолиятидан иборат.

Н.Н. Ковтун ҳам, суд назорати жиноят процессининг мустақил институти ва суд фаолиятининг шакли деб, уни жиноят процессининг фаолият йўналиши эканлигини эътироф этади.

ХУЛОСА

Суд назорати олдини олувчи ва ҳуқуқни тикловчи характерга эга бўлиб, ишни судга қадар юритиш учун масъул органлар томонидан конституциявий ҳуқуқларни чекловчи тергов ва процессуал ҳаракатлар, тезкор тадбирларни ўтказиш жараёнида қонун бузилишининг олдини олиш, шикоятларни кўриб чиқиш йўли билан бузилган ҳуқуқларни тиклаш вазифаларини бажаради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қисқача хулоса қиладиган бўлсак, судга қадар юритиш устидан суд назоратини такомиллаштиришда амалдаги ЖПКда мавжуд суд назорати чегарасини кенгайтириш ва уни амалга оширишнинг процессуал тартибини аниқ белгилаш орқали суд назоратининг самарадорлигини ошириш, суд назорати доирасини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз. Суднинг одил судловни амалга ошириш юзасидан жиноят

ишларини мазмунан ҳал этиш ва дастлабки тергов устидан назорат фаолияти бир биридан қатъий чегараланиши даркор. Яъни, судьянинг маълум бир жиноят иши бўйича назорат ваколатларини амалга ошириши ва кейинчалик худди ўша иш шу судьяга ишни биринчи инстанция судида муҳокама қилиш учун келиб тушиши хато деб ҳисоблаймиз. Чунки бу судьянинг ҳолислигига шубҳа туғдириши мумкин.

Шу ўринда яна хориж тажрибасига мурожаат қилсак, бир қатор давлатларда қабул қилинган қарорнинг ҳолислигини таъминлаш учун жиноят ишини тергов қилиш устидан суд назоратини амалга оширадиган, тергов ҳаракатлари ва эҳтиёт чораларига рухсат берувчи махсус тергов судьяси лавозими мавжуд. Мазкур лавозим Германия, Австрия, Италия, Бельгия, Голландия, Латвия, Литва, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа давлатларда жорий этилган. Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига ҳам тергов судьяси лавозими жорий қилинди бу шубҳасиз фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда катта аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, янги таҳрирдаги Конституцияда суд назорати институти катта аҳамиятга эга. Мазкур тамойилнинг жорий этилиши жараён иштирокчиларининг ҳуқуқлари амалга оширилишини таъминлайди, уларни мансабдор шахслар ва жиноий таъқиб қилиш функциясини бажарадиган органларнинг ноқонуний ҳаракатларидан ҳимоя қилади. Суд назорати институтининг кенгайиши жиноят процессида шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг умумэтироф этилган халқаро стандартларини жорий этиш имконини беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. / <https://lex.uz/>
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. / <https://lex.uz/>
3. “Тезкор – қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора – тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-89 – сонли Фармони 10.07.2024 / <https://lex.uz/>

4. Свиридов М.К. Соотношение функций разрешения уголовных дел и судебного контроля в деятельности суда // Правовые проблемы укрепления российской государственности, 2001. Вып. 7. С. 3-6.
5. Бойков А.Д. Третья власть в России. – М.: 2002. 224-б.
6. Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессида суд назорати. Ўқув қўлланма.- Т.: ТДЮИ нашриёти.2007. 13-б.
7. Слепнева Е.И. Проверка законности и обоснованности расследования в досудебных стадиях. Автореф.дисс.....канд.юрид.наук. – Волгоград.: 1998. Б.8.
8. Колоколов Н.А. Судебный контроль в стадии предварительного расследования: реальность перспективы. // Государство и право. 1998 №1. Б.32-33.
9. Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессида суд назорати. Ўқув қўлланма.- Т.: ТДЮИ нашриёти.2007. Б.34.
10. Химичева О.В. Концептуальные основы процессуального контроля и надзора на досудебных стадиях уголовного судопроизводства. Монография. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, Закон и право.2004. Б.210
11. Галузо В.Н. Судебный контроль за законностью и обоснованностью содержания под стражей подозреваемых и обвиняемых на стадии предварительного расследования: Автореф.дис. ... канд.юрид.наук.- М., 1995.- Б.15.
12. Ковтун Н.Н. Судебный контроль в системе уголовного судопроизводства России. Монография.- Н.: Новгород, 2002. Б.43.
13. Юсупджанова, Г. 2021. Функции суда в системе уголовно-процессуальных отношений. Общество и инновации. 2, 11/S (дек. 2021), 155–165. DOI:<https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss11/S-pp155-165>.
14. Yusupdjanova, G. (2021). The Role And Functions Of The Court In Criminal Proceedings In The New Uzbekistan. The American Journal of Political Science Law and Criminology, 3(11), 37–47